

ХVII. ХУҚУҚБУЗАРЛИК


Жиноятчилик – бу аниқ ҳудудда муайян вақт давомида содир этилган жиноятлардан иборат бўлган ҳамда сон ва сифат кўрсаткичлари билан таърифланадиган ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисадир.

Рўйхатга олинган жиноят – ички ишлар идоралари томонидан аниқланган ва расман ҳисобга олинган, жиноятчилик қонунчилигида назарда тутилган ижтимоий хавфга эга хатти-ҳаракат.

Жиноятларни содир этган шахслар – ички ишлар идоралари томонидан расмий равишда ҳисобга олинган ва уларга жиноят ишлари қўзғатилган шахслар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ маълумотларига кўра 2018 йил январь-сентябрь ойларида 34 243 та жиноятчилик ҳолатлари қайд этилган бўлиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 36,1% га камайган. Рўйхатга олинган жиноятлар сони ҳар 10,0 минг аҳолига нисбатан 10,4 ҳолатни ташкил этмоқда.


Барча содир этилган жиноятларнинг даражалари бўйича тақсимланиши, бирликда



Ўзбекистон Республикасида ўта оғир жиноятлар сони 2018 йил январь-сентябрь ойларида 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 2062 тадан 1357 тагача (34,2 % га) камайганлигини кўриш мумкин. Оғир жиноятлар эса 2018 йил январь-сентябрь ойларида 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 7126 тадан 5779 тагача камайган (18,9% га). Унча оғир бўлмаган жиноятлар эса 2017 йил январь-сентябрь ойларида нисбатан (18062 та ҳолат) 2018 йил январь-сентябрь ойларида 10935 тани ташкил этиб, 39,5% га камайган.


Худудлар кесимида жиноятларнинг оғирлиги даражаси бўйича тахлили Тошкент шаҳрида жами содир этилган жиноятларнинг 23,2%, Тошкент вилоятида 40,6% унча оғир бўлмаган жиноятларни ташкил этишини; оғир жиноятлар эса Сирдарё вилоятида 11,1%, Сурхондарё вилоятида 11,6%, Хоразм вилоятида 19,5% ва Тошкент шаҳрида 24,6% ни ташкил этганлигини кўрсатмоқда, ушбу кўрсаткич республика бўйича 16,9% ни ташкил этди; ўта оғир жиноятлар Наманган вилоятида 2,5%, Тошкент шаҳрида эса 5,3% ни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари кесимида рўйхатга олинган жиноятлар сони (2018 йил январь-сентябрь, бирликда)



Худудлар бўйича 2018 йил январь-сентябрь ойларида энг кўп рўйхатга олинган жиноятлар сони Тошкент шаҳрида (5255 та жиноят), Тошкент вилоятида (4228 та жиноят) ва Фарғона вилоятида (3784 та жиноят) кузатилган. Энг кам жиноятлар сони эса Сирдарё вилоятига (995 та жиноят) тўғри келган.

Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган жиноятлар сони
(2018 йил январь-сентябрь, бирликда)



Талончилик жинояти (56,5% га), босқинчилик жинояти (53,6%га), номусга тегиш ва номусга тегишга уриниш (50,6% га), безорилик жинояти (45,6% га), порахўрлик (41,0% га), фирибгарлик (37,4% га), иқтисодиёт асосларига қарши, хўжалик фаолияти соҳасидаги, ҳокимият органларининг фаолият таркибига қарши жиноятлар (36,8% га), ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш (33,9% га), гиёҳванд воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид (20,4% га), қасддан одам ўлдириш ва ўлдиришга уриниш (17,3% га), қасддан баданга оғир шикаст етказиш (14,7% га) жиноятлари сони камайган.


Шу билан бирга, дўкон ва савдо нуқталарини тунаш 41,2% га, хонадонларни ва шахсий уйларни тунаш 41,1% га, велосипед ва мопедларни тунаш 39,1% га камайган.

Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида 2018 йил январь-сентябрь ойларида 2017 йил январь-сентябрь ойлари билан таққосланганда жиноятлар сони камайганлиги кузатилади: Сирдарё (51,4% га), Қашқадарё (43,2% га), Хоразм (38,0% га), Навоий (36,3% га), Самарқанд (36,0% га), Фарғона (31,8% га), Тошкент (31,6% га), Бухоро 31,0% га), Сурхондарё (28,8% га), Жиззах (25,5% га), Андижон (25,0% га), Наманган (23,0% га) вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида (40,6% га) ва Тошкент шаҳрида (49,3% га).

Вояга етмаганлар томонидан 706 та жиноят содир этилган бўлиб, жами жиноят содир этганларнинг Сурхондарё вилоятида 3,1%, Наманган вилоятида 2,9%, Бухоро ва Хоразм вилоятларида 2,8%, Фарғона вилоятида 2,4%, Самарқанд вилоятида 2,1%, Жиззах ва Тошкент вилоятларида 1,8%, Андижон, Сирдарё ва Қорақалпоғистон Республикасида 1,6%, Қашқадарё вилоятида 1,3%, Хоразм вилоятида 1,0%, Навоий вилоятида 0,9% ва Тошкент шаҳрида 1,8% ни вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар ташкил этади.

2017 йилнинг шу даврига нисбатан таққосланганда айрим вилоятларда ушбу кўрсаткич ўсиши кузатилган, масалан, Бухоро вилоятида 0,9%, Наманган вилоятида 0,8%, Жиззах вилоятида 0,5%, Самарқанд вилоятида 0,4%, Навоий вилоятларида 0,3%, Сирдарё вилоятида 0,1%га ўсган. Шунингдек, Тошкент вилоятида 0,8%, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида 0,7%, Қашқадарё 0,4%, Фарғона ва Андижон вилоятларида 0,2%га камайганлик ҳолатларини кузатиш мумкин.

Жами жиноят содир этган шахслар сонига вояга етмаганларнинг улуши
(2018 йил январь-сентябрь)




Жиноят содир этган шахслар сони жами 35300 кишини ташкил этиб, 2017 йил январь-сентябрь ойлари билан таққосланганда 37,9% га камайган. Шулардан 27692 нафари жиноий жавобгарликка тортилган ёки 2017 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан жиноий жавобгарликка тортилганлар сонига нисбатан 78,4% ни ташкил килади.

Аёллар томонидан жиноят содир этиш 41,0% га, эркеклар томонидан жиноят содир этиш эса 37,4% га камайган.

Жиноят содир этган вақтда бандлиги бўйича тахлили меҳнатга лаёқатли ишламайдиган, ўқимайдиганлар (46,6% га), умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар коллежлари ўқувчилари (40,9% га) орасида жиноят содир этиш камайган.

Жиноят содир этган шахслар (2018 йил январь-сентябрь, бирликда)



Шуни қайд этиш керакки, сўнгги саккиз йил давомида содир этилаётган жиноятлар сони сезиларли равишда камайиб бормоқда. Хусусан, 2010 йилнинг январь-сентябрь ойларида рўйхатга олинган жиноятлар сони 63915 тани ташкил этган бўлса, 2018 йилнинг мос даврида бу кўрсаткич 34243 тани ташкил этди.

Жами жиноят содир этган шахслардан:



↓ 2017 йилнинг мос даврига нисбатан

Жиноят содир этганлар орасида аввал жиноят содир этганлар (47,0% га), гуруҳ бўлиб (40,7% га), вояга етмаганлар ўртасида (39,3% га), маст ҳолатда (36,5% га) жиноят содир этиш камайган.

2018 йилнинг I ярим йиллигида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар ҳудудида 1,6 миллионта жиноятлар рўйхатга олинган. 2017 йилнинг I ярим йиллигига нисбатан рўйхатга олинган жиноятлар сони Озарбайжон, Белоруссия, Россия ва Тожикистонда 1-6% га, Қозоғистон, Молдова ва Украинада 10-11% га, Ўзбекистонда 39% га камайган, Арманистон ва Қирғизистонда эса кўпайиши кузатилган. (манба <http://www.ksgp-cis.ru>)